O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 24 август, № 164 (4063) Пайшанба

Кейинги йилларда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан нефтгаз соҳасини ривожлантириш мақсадларига қаратилган талай чора-тадбирлар кўрилмоқда. Хусусан, уларни разведка қилиш, қазиб чиқариш ва қайта ишлаш, шунингдек, маҳсулотни сотишгача бўлган аниқ тизим йўлга қўйилди.



«ЗАНГОРИ ОЛОВ» ИЖОДКОРЛАРИ

Уст-Юрт кенгликлари, Оролбўйи минтақасидаги ҳудудлар турли хил ерости бойликларига сероблиги билан ажралиб туради. Албатта, уларни қидириб топиш тиниб-тинчимас, фидойи хазинатопарлар зиммасига юклатилган. Бу борада уларнинг Мўйноқ туманида олиб борган геологик қидирув ишлари самарали кечди. Жумладан, бу ерда янги газ қудуқлари ўзлаштирилди. Таъкидлаш жоизки, қазиб олинаётган газни комплекс қайта ишлаш, яъни таркибидан конденсат олиш ва тақсимлашда "Устюртгаз" шўъба корхонаси жамоаси жонбозлик кўрсатмоқда.

Қорақалпоғистонлик газчилар ҳақида гап кетганда, Мўйноқдаги яна бир корхона "Шарқий Бердақ" газни қайта ишлаш мажмуасининг номи ҳам илиқлик билан тилга олинади. Зеро бу жамоа саъй-ҳаракати туфайли бир кеча-кундузда 3 млн. 200 минг куб метр газ қайта ишланиб, ундан аъло сифатли газ конденсати олинмоқда.



СУРАТЛАРДА: "Шарқий Бердақ" газни қайта ишлаш мажмуаси ҳаётидан лавҳалар.

Бердиниёз АЛЛАШЕВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Шу йил 23 августда парламент юқори палатасининг қўмиталарида бўлажак еттинчи ялпи мажлис кун тартибидаги масалаларга бағишланган мажлислар бўлиб ўтди.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитасининг аъзолари Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенатга маъқуллаш учун юборилган қонунларни муҳокама қилдилар. "Микромолиялаш тўғрисида"ги ва "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари микромолиявий ва микрокредит ташкилотларининг фаолиятини ривожлантириш учун ҳуқуқий базани шакллантиришга, тадбиркорлик субъектларининг кенг доираси ва аҳоли молиявий воситалардан ҳамда кредит ресурсларидан фойдаланиши учун имкониятни кенгайтиришга, микромолиявий ва микрокредит хизматлар кўрсатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга, барқарор иқтисодий ўсишга, иқтисодиётнинг ҳамма тармоқларида макроиқтисодий ва молиявий барқарорликнинг мустаҳкамланишига ёрдам бериши сенаторлар томонидан қайд этиб ўтилди.

Шунингдек, сенаторлар бир қатор бошқа қонунларни ҳам муҳокама қилдилар. Улар орасида "Фирма номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам бўлиб, у фирма номларини муҳофаза қилиш ва ҳимоялашнинг ҳуқуқий механизмини такомиллаштириш, фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг фаолиятидаги рақобатчилик асосларини кучайтириш, ғирром рақобат пайдо бўлишига тўсқинликлар яратиш имконини беради. "Фирма номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг ҳамда "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг айрим нормаларини "Фирма номлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштиради. Киритилаётган ўзгартишлар фирма номлари ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш учун шароит яратади ҳамда фирма номларини рўйхатдан ўтказиш тартиб-таомилларини соддалаштиради.

"Солиқ маслаҳати тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни солиқ маслаҳатини амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади ҳамда солиқ тўловчиларнинг ҳам, солиқ маслаҳатини ўтказиш ташаббуси билан чиқадиган юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳам манфаатларини малакали ҳимоя қилиш, солиқ маслаҳатчиларининг ўзлари кўрсатган хизматлар натижалари учун жавобгарлигини ошириш имконини беради.

"Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги фаолиятни тартибга солишга, автомобиль транспорти хизматларидан фойдаланадиган фуқаролар ҳаётининг хавфсизлиги ва саломатлигини таъминлашга, ушбу хизматлар сифатини оширишга қаратилган.

"Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бошқа банкларнинг "Микрокредитбанк" АТБ устав капиталида иштирок этишига қўйилган чекловни бекор қилади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг мажлисида "Ипотека тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кўриб чиқилди. Қўмита аъзолари ушбу Қонун мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усули сифатида кўчмас мулк гаровини қўлланиш чоғида вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишга, ипотекани кредитлаш ривожланиши учун шароит яратишга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар.

"Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиш чоғида сенаторлар ушбу Қонун мамлакатимизда жисмоний шахслар, якка тадбиркорлар ва юридик шахслар ўртасидаги низоларни ҳал қилишнинг давлат усулига муқобил ишончли воситаси сифатида ҳакамлар томонидан муҳокама қилиш тизимини яратади ва жорий этади, деган фикрни билдирдилар.

Сенаторлар "Қонунлар лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига киритиш тартиби тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини кўриб чиқиб, у қонун лойиҳаларини тайёрлашнинг асосий тамойилларини, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш шаклини, қонун лойиҳаларини тайёрлашни ташкил этишга қўйиладиган талабларни, қонун лойиҳаларини Қонунчилик палатасига киритиш тартибини белгилаб беришини қайд этдилар.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига ва "Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳам муҳокама қилинди. Ушбу Қонун автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномаларни, бу воситаларни бошқа шахсларга бериш ва ижарага бериш шартномаларини давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида расмийлаштириш тизимини, автомототранспорт воситаларини ижарага бериш шартномасини давлат рўйхатидан ўтказиш шаклларини тартибга солишга, автомототранспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжатларга эга бўлмаган шахсларнинг автомототранспорт воситаларини бошқарганлиги учун жавобгарлигини оширишга қаратилган.

Ташқи сиёсат масалалари қўмитасининг мажлисида "Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Монреаль, 1997 йил 17 сентябрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва "Озон қатламини бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Пекин, 1999 йил 3 декабрь) ратификация қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни муҳокама қилинди.

Сенаторлар Ўзбекистонда ушбу масалаларга доир халқаро ҳужжатларга, чунончи, Вена конвенцияси ҳамда Монреаль протоколига риоя этиш учун норматив-ҳуқуқий база яратилганлиги ва у амал қилаётганлигини кўрсатиб ўтдилар. Юқоридаги икки қонуннинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикасининг ернинг озон қатламини бузадиган моддаларни атмосферага чиқариб ташлаш хавфини тўхтатишга қаратилган глобал жараёнда қатнашишни давом эттиришга имкон беради, озон қатлами учун хавфсиз моддалар жаҳон бозорига кириши имкониятини сақлаб қолади.

Қўмита аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор Элчисини лавозимидан озод қилиш билан боғлиқ масалани ҳам кўриб чиқдилар.

Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси ўз мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилди.

Юқорида санаб ўтилган қонунларни қўмиталар томонидан муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли хулосалар қабул қилинди. Ушбу хулосаларда мазкур қонунларни еттинчи ялпи мажлис кун тартибига киритиш учун Сенат Кенгаши муҳокамасига қўйиш тавсия этилди.

Парламент юқори палатаси қўмиталарининг мажлисларида сенаторлар ва қўмиталарнинг 2006 йилнинг ўтган давридаги фаолияти якунлари ҳамда бошқа масалалар муҳокама этилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Тошкентда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Хитой ҳукуматлараро комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири Э.Ганиев ҳамда Хитой Халқ Республикаси тижорат вазирининг ўринбосари Юй Гуанчжоу бошқарган мажлисда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида эришилган келишувлар бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Хитой — Ўзбекистоннинг Осиё минтақасидаги муҳим ҳамкорларидан. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасида кўплаб йўналишларда бўлгани каби савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда ҳам самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро муносабатлар стратегик ҳамкорлик даражасига кўтарилган. Бунда 2005 йил май ойида Ўзбекистон Президентининг

(Давоми 3-бетда).

Августдаги зарбдор меҳнат — пахтадан юқори ҳосил олиш гарови

Халқда "Юракдан айтилган гап юракка етиб боради" деган нақл бор. Шу маънода, Денов тумани ҳокимлигининг республикамизда "Ғўза парваришида зарбдор 20 кунлик" деб эълон қилиниши муносабати билан туман пахтакорлари ва барча аҳолисига йўллаган мурожаатини эътиборга молик, десак хато қилмаган бўламиз.

ДЕҲҚОНЛАРГА ДАЪВАТ

Ўта самимият билан битилган мурожаатномада, жумладан, шундай дейилади: "Азиз бободеҳқонлар! Сизлар ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам қишлоқ хўжалигида, айниқса, пахтадан мўл ҳосил етиштиришда уюшқоқ ва ҳамжиҳат халқнинг нималарга қодир эканлигини исботлаб келгансизлар. Туманимиз хўжаликлари далаларида ғўза ниҳолларининг бугунги ҳолати омилкор деҳқонни қаноатлантирмайди. Бир даладаги ғўза ниҳолларининг ҳолати турлича. Уларни меҳр билан парваришлаш, дардига малҳам бўлиш, ҳар бир ғўзани чақалоқдек эъзозлаб ўстириш муҳим агротехника тадбирларидан биридир".

Одатда сувчиларни "обиҳаёт дарғалари" дея эътироф этишади. Ҳақ гап. Мурожаатда ҳам ҳосил тақдири сувчининг меҳнатига боғлиқлиги, кимки тунги ва шарбат усулида суғоришга эътибор қаратса, кўзлаган мақсадига эришиши, аксинча, куннинг иссиғида сув таралса, у бўғланиб, етиштирилган ҳосил нишоналари тўкилиб кетиши мумкинлиги айтилади. Пировардида эса, сувчиларга қарата "Билингки, халқ ризқ-рўзи ҳал қилинаётган ҳозирги палладa бироз ҳаловатдан кечиш эртанги юз ёруғлигининг дебочасидир", — дея мурожаат қилинади.

Чақириқнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, унда фермерлар, пудратчилар ҳамда биолаборатория ходимларининг ҳосил тақдири ҳал бўлаётган ҳозирги дамларда қай юмушни қай тарзда бажаришлари бўйича тавсиялар берилиб, уларни амалга оширишда масъулият билан ёндашишлари сўралган.

Яна бир гап. Ҳамма соҳанинг тажрибали, омилкор одамлари бўлади. Айнан мурожаатда пахта илмининг "академик"ларига қарата: "Пахтачиликдаги катта тажрибаларингизни ёшларга ўргатинг, ҳосил тақдири нафақат механизатору сувчи, ширкатчи, фермерга, шунингдек, кўп жиҳатдан сизларга ҳам боғлиқ. Узоқ йиллик меҳнат тажрибаларингизни ўртоқлашиш баробарида далаларни ҳам кўздан кечириб, зарур ва қимматли маслаҳатларингиз, дуоларингиз билан қувват бўласизлар, деб ишонамиз".

Таъкидлаш жоизки, туман ҳокимлигининг ушбу мурожаатномаси Денов аҳли томонидан илиқ кутиб олинди. Буни далаларда ҳаёт қайнаётганидан ҳам билса бўлади. Муҳими, азалдан меҳнаткаш ва танти деновликлар бўлажак 41 минг тонналик "оқ олтин" хирмони ҳадемай рўзғорларига барака киритишини, қолаверса, туман, мамлакат иқтисодиёти юксалишида катта аҳамият касб этишини юракдан ҳис этмоқда.

Саидолим ҲАЙДАРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

Ифтихор рамзи

Нашриёт туҳфаси

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Ватанимизнинг бош майдони, юраги бўлмиш Мустақиллик майдони ҳақида рангли суратлар билан безатилган буклетни ўзбек, рус, инглиз тилларида нашрдан чиқарди.

Ҳақиқатан ҳам, энг қутлуғ, энг азиз байрам арафасида мамлакатимизнинг бош майдони ўзгариб, муқаддас қадамжо қиёфасини касб этди.

«Мустақиллик майдонининг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда тутган муҳим ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб ҳамда халқимиз, айниқса ёш авлод қалби ва онгига истиқлол ғояларини, миллий ғурур ва ифтихор, ватанпарварлик туйғуларини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида Мустақиллик майдонида бунёд этилган, ўзида Мустақиллик ҳайкали ва Бахтиёр она сиймосини мужассам этган мажмуага «Мустақиллик ва Эзгулик монументи», деб ном берилди», — дея Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаган сўзлар бош майдондаги ўзгаришларни ўзида тўла ифода этади. Бу ердаги ҳар бир ёдгорлик, ҳар бир бино ўзига хос чуқур маъно-мазмунга эга.

Буклет Бош майдонидаги Мустақиллик ва Эзгулик монументи мажмуининг асосий ёдгорлиги — «Бахтиёр она» ҳайкали билан очилади. У халқимизнинг очиқ кўнгиллилигини ва тинчликсеварлигини, ёшлик ва бахтли инсон сиймосини ўзида тўла мужассам этади.

«Мустақиллик майдони» метро бекатидан бош майдонга қадам қўяётган ҳар бир киши яққол кўзга ташланадиган жимжимадор аркадан ўтади. Арка тепасидаги бахт-саодат ва авлодлар давомчиси рамзи — парвозга ҳозирлик кўраётган турналар кўнгилларга оройиш беради. Олий Мажлис Сенат биноси ажиб кўркам бахш этган. Вазирлар Маҳкамасининг маҳобатли биноси мустаҳкам ижро ҳокимиятининг рамзи.

Хотира хиёбони ва «Мотамсаро она» ҳайкали ўтган даврга, жанг майдонида жон фидо қилган ҳар бир навқирон инсон хотирасига ҳурмат-эҳтиром рамзига айланди.

Буларнинг барчаси «Мустақиллик майдони» буклетидаги рангли суратларда акс этган.

ТАНЛОВ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Ватанимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланган мазкур танлов «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, Ўзбекистон Ёзувчилар, Журналистлари ижодий уюшмалари, Миллий телерадиокомпания, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ижодкорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Энг улуғ, энг азиз» республика кўрик-танлови бунинг яна бир исботидир.

Истиқлол йилларида эришган улкан ютуқларимиз, халқимизнинг буюк бунёдкорлик ва яратувчилик салоҳияти, барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнлари, Ватанга муҳаббат, миллий истиқлол ғоясига садоқат, миллий тарихимизга ҳурмат туйғуларини халқимиз, айниқса, ёшлар онгига матбуот саҳифалари, телерадиотўлқинлари, кино, тасвирий, фото, дизайн санъати воситасида сингдиришда мазкур танловнинг аҳамияти катта.

Тадбирда кўрик-танлов ғолибларига совринлар ва рағбатлантирувчи мукофотлар топширилди.

(ЎзА).

(Танлов ғолиблари билан газетанинг 2-бетида танишасиз).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати еттинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи ялпи мажлиси 2006 йил 25 август куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 24 август куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

ИСТИҚЛОЛ МАНЗИЛЛАРИ

Тошкент шаҳри

ШАРҚ ДАРВОЗАСИ

Бугунги кунда пойтахтимизнинг обрў-эътибори бутун дунёга таралиб, «Шарқ дарвозаси» деб тан олингани бежиз эмас, албатта. Тошкент — биринчи навбатда йирик сиёсий марказдир. Ички ва ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналиш ва тамойиллари, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, эркин бозор иқтисодиётини ривожлантириш билан боғлиқ, узоқ ва яқин келажакка мўлжалланган режалар айнан мана шу ерда ишлаб чиқилади ва ҳаётга татбиқ этилади.

Ислом КАРИМОВ

Дунёнинг турли бурчакларидан юртимизга ташриф буюраётган меҳмонлар мамлакатимизнинг бугунги куни ва тараққиёти ҳақида аввало юртимиз остонаси — пойтахтимизни кўриб хулоса чиқарадилар. Юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, янгиланишлар, бунёдкорлик ишлари билан дастлаб Тошкентда танишадилар. Бу табиий, албатта. Зотан, ҳар қандай мамлакатда пойтахт жуда кўплаб жиҳатлари билан бошқа ҳудудий бирликларга қараганда муҳим аҳамият касб этади.

Бири биридан гўзал боғроғлар, замонавий иншоотлар, кенг ва равон йўллар, қўйинги, барчаси халқимизнинг ҳозирги фаровонлигидан далолат бериб турибди.

Географик жиҳатдан Тошкент ҳар қандай пойтахт шаҳар ҳавас қилса арзийдиган қулай минтақадан ўрин олган. Марказий Осиёнинг ўртасида жойлашган Тошкентни асосий халқаро магистраллар, коммуникация тармоқлари кесиб ўтади. Бетакрор табиатли диёримиз каби ҳам иқлими, ҳам шамойили билан ажралиб турувчи бу шаҳар исталган халқаро ташкилот, муассаса ва компания вакилларининг эътиборини тортиши шубҳасиз. Ўзбекистон билан сиёсий, иқтисодий, маданий ва бошқа турли соҳаларда муносабат ўрнатган давлатларнинг рахбарларидан тортиб мамлакатимизга сармоя олиб кириб, тадбиркорларимиз билан ҳамкорлик қилаётган бизнесменларгача энг аввал Тошкентга қадам қўяди. Кўплаб нуфузли халқаро ташкилотлар, йирик компаниялар ўз ваколатхоналари учун жой сифатида айнан пойтахтимизни танлаган. Албатта, бу бежиз эмас. Чунки Марказий Осиёнинг юраги дея ном қозонган Тошкент жойлашган ўрни билан ҳам, ўз инфратузилмавий афзалликлари билан ҳам бу борада юксак аҳамият касб этади. Йилдан-йилга кўпайиб бораётган турли ваколатхоналар, йирик корпорацияларнинг бўлимлари, халқаро ташкилотларнинг офислари ҳамда турли-туман анжуманлар, учрашув ва саммитлар, халқаро мусобақалар учун жонажон Тошкентимизнинг танланиши қалбларимизда чексиз ифтихор туйғуларини уйғотади. Баъзан дунё сиёсий харитасида тенглар ичра тенг бўлиб турган пойтахтимиз номини кўриб, ич-ичимдан қувонаман. Ва хаёлим беихтиёр яқин тарихга кўчади. Бундан атиги ўн беш йил аввал бундай хариталарда номимиз ҳам, ўрнимиз ҳам йўқ эди. Тошкент сўзи эса ўз ўтмиши ва аҳамиятига мос бўлмаган шрифтларда ёзиларди. Бугун-чи? Дунё саҳнида айтадиган сўзимиз, мустаҳкам ўрнимиз бор. Буларнинг ҳаммаси, шубҳасиз, мустақиллик неъматидир.

Тошкент республикамизнинг сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий марказидир. Мамлакатнинг барча бошқарув органлари, республика миқёсидаги ташкилот ва идоралар пойтахтда жойлашганлиги унинг сиёсий мавқеини белгилаб берса, аҳоли сони, юксак салоҳиятли кадрларнинг шу ерда тўпланганлиги ва ҳудуднинг иқтисодий жиҳатдан илғор тараққиёт зонасига айлангани Тошкентнинг иқтисодий аҳамиятидан далолат беради.

Баъзан ўйлаб қоламан. Биз — минг йилларга бориб тақаладиган ҳайратомуз тарихга эга бўлган замин фарзандлари мана шу диёрда МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН давлатининг бунёд бўлишини кўришга, истиқлол йўлининг бошида туришга муяссар бўлган авлодмиз. Бу бизга тақдир томонидан иньом этилган юксак шарафдир. Аммо бу айни пайтда жуда катта масъулият эканлигини ҳам ҳар бир замондошимиз аллақачон тушуниб етди. Биз мустақиллик йўли у қадар осон эмаслигини, бутун миллатнинг эзгу мақсадлар, буюк ғоялар остида жипслашишигина ҳақиқий тараққиёт сари етаклашини кўрдик. Бутун дунё Ўзбекистон халқининг мана шу ўн беш йил ичидаги машаққатли меҳнатлари ва бу меҳнат натижаси бўлмиш улкан бунёдкорлик жараёнлари, юқори иқтисодий кўрсаткичлар, миллий ўзликни англаш ва бутун мамлакатда кенг қулоч ёзган маданий юксалишга гувоҳ бўлиб турибди. Келинг, ана шу 15 йиллик интилиш ва ҳаракатларимизга Тошкентимиз мисолида назар ташлайлик.

Албатта, том маънода озод, ҳур бўлиш учун биринчи навбатда иқтисодий жиҳатдан мустақиллик бўлиши зарур. Қисқа даврда мамлакатимизда, қолаверса пойтахтимиз Тошкентда ғоят муҳим иқтисодий, ижтимоий ўзгаришлар амалга оширилди. Юртимиз иқтисодиётининг ривожланиши кўпгина кўзга кўринган хорижлик иқтисодчиларни ҳайратга солиш даражасида кун сайин юксалиб бормоқда. Тошкент эса ҳақли равишда ана шу тараққиётнинг ўзига хос рамзи, қўзгусига айлана олди.

Кейинги йилларда шаҳар иқтисодиётининг барча тармоқлари изчил ривожланаётгани кузатилмоқда. Ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми сўнгги ўн йил ичида ўрта ҳисобда 4-5 фоизга ортиб борди. Ўтган йили эса бу кўрсаткич 11,4, жорий йилнинг олти ойи якунларига кўра, 8,5 фоизга ўсди. Бугунга келиб ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида саноат улуши 16,1, қурилиш соҳаси улуши 7,2, хизмат кўрсатиш соҳаси улуши 60,8 фоизни ташкил этди. Эркин иқтисодий муҳит яратилганлиги, тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл берилганлигининг самараси ўлароқ ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида кичик бизнес ва тадбиркорлар улуши 47,1 фоизга етди. Шу йилнинг 1 июль ҳолатига кўра Тошкент шаҳридаги 4934 та ишлаб чиқариш корхоналарининг 4750 таси ёки 96,2 фоизи кичик бизнес субъектидир.

Маълумки, иқтисодий ўсиш салмоғи ва суръати аввало саноат соҳасининг ривожига чамбарчас боғлиқ. Ўтган беш йилда бу соҳада кескин ўсиш бошланганлигига нафақат пойтахт аҳли, балки бутун мамлакат иқтисодчилари гувоҳ бўлиб турибди. Саноат соҳасига юқори технологияларнинг кириб келиши, тармоқда уддабурон ва таваккалчиликдан чўчимайдиган, янгиликка интилувчан кўп сонли хусусий тадбиркорлар қатламининг шаклланиши ушбу жараённинг бошланишига кучли туртки берди. Ўсиш суръати ҳар йили ўртача 10 фоизни ташкил этаётгани фикримиз далилидир. 2000 йилда 581 млрд. сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса, 2005 йилда бу кўрсаткич 1164,2 млрд. сўмга етди.

Бугунги кунда инвестицияларни жалб қилиш иқтисодиётимизнинг устувор вазифаларидан биридир. Мамлакатимизда инвесторларнинг барқарор фаолият юритиши учун ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий жиҳатдан барча шароитлар яратилган. Шубҳасиз, Тошкент шаҳрининг сармоявий рейтинги ҳам, кириб келган маблағларни иқтисодиётга йўналтириш имкониятлари ҳам жуда баланд. Ва бу қулайликдан имконият даражасида фойдаланилаётганлигини ҳам эътироф этиш керак. Ўтган йил якунларига кўра пойтахтимизда мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхона ва ташкилотлар томонидан 741,8 млрд. сўмлик капитал қўйилмалар ўзлаштирилиб, ўсиш суръати 2004 йилга нисбатан 111,9 фоиз дея баҳоланди. Жумладан, шаҳримизнинг ташқи иқтисодий алоқалари кўлами кенгаяётгани эришилаётган ютуқларда муҳим омил бўлмоқда. Ҳозирда шаҳримизда 120 дан ортиқ мамлакатлар билан иқтисодий муносабатлар ўрнатилган.

Шаҳримизда 13879 та савдо ва 3687 та маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритаётгани ҳам аҳолига кўпгина қулайликлар яратмоқда. Савдо айланмаси ҳажмига кўра бу соҳа республикада биринчи ўринда туради. Шу ўринда таъкидлашим жоиз, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожига катта эътибор берилаётгани айни муддао бўлди. Чунки бу иш одамларнинг оғирини енгил қилиш билан бирга кишиларимизнинг даромадини кўпайтириш, кўплаб янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Эндиликда ялпи ҳудудий маҳсулотда мазкур соҳа улушининг янада ортиши кутилмоқда. Шаҳар жамоатчилиги бу ташаббусни қўллаб-қувватлайди. Негаки, соҳада яна 76,7 мингта ишчи ўринлари ташкил этиш ва хизмат турларини кенгайтириш имкониятлари бор.

Иқтисодий ислоҳотларда, айниқса, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишдек муҳим вазифа катта эътибор талаб қилади. Зотан, бу Президентимиз томонидан илгари сурилган иқтисодий ривожланишнинг беш тамойилидан биридир.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, Тошкент шаҳрида шу йил 6 ой ичида 4956 нафар кам таъминланган оилага 1062,5 млн. сўмлик, 18 ёшгача фарзанди бўлган 16158 нафар оилага 2436,4 млн. сўмлик ва оиласида 2 ёшгача фарзанди бўлган 8927 нафар ишламаётган аёлга 2251,6 млн. сўмлик моддий ёрдам берилди.

Иқтисодиётда бозор муносабатлари устунлик қилиб бориши билан давлат бюджети орқали миллий даромадни номоддий ишлаб чиқаришнинг турли тармоқлари ва мамлакат ҳудудлари ўртасида қайта тақсимланишида маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти тобора ортиб боради. Яъни маҳаллий бюджет маблағларидан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш орқали ислоҳотлари амалга оширишдаги кўзланган мақсадларга эришилади.

Бу борада Тошкент шаҳар бюджетининг харажатларига тўхталиб, мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришга алоҳида ғамхўрлик қилинаётганини таъкидлаш лозим. Ушбу эътиборни мазкур соҳаларга йўналтирилиши режалаштирилаётган маблағлар миқдоридан ҳам кўриш мумкин. 2006 йилда Тошкент шаҳри бўйича таълим соҳасига 78,7 млрд. сўм ёки маҳаллий бюджет жами харажатларининг 32,8 фоизи миқдорида маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Президентимизнинг "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"ги Фармони ва мазкур Фармон ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг бир қатор қарорлари натижасида мактаблар замонавий тус олмоқда.

Шу асосда ҳозирги кунда мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларнинг замонавий шароитларда билим олиши, касб-ҳунар сирларини пухта ўрганишига мукаммал имкониятлар яратиб берилаяпти. Барча туман халқ таълими бўлимлари қошида ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш, педагогик-психологик Ташхис марказлари ташкил этилди. Марказлар психо-диагностик қўлланмалар, тест ва анкета саволлари билан таъминланди.

Ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида 16807 нафар педагог фаолият кўрсатаётир. Умумий ўрта таълим тизимини такомиллаштириш ва таълим самарадорлигини ошириш мақсадида етук кадрларни излаб топиш ва улар ишини оммалаштиришда «Йил тарбиячиси», «Йил ўқитувчиси», «Йил мактаби», «Йилнинг энг яхши мактаб кутубхонаси» каби тадбирлар яхши самара бермоқда. Бундан ташқари "Президент асларидан ҳамкорликда 2625 та корхона фаолияти йўлга қўйилган. Хорижий инвестициялар иштирокидаги бундай корхоналар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан13,3 фоизга кўпайди.

Шаҳар ҳудудида 29 та олий таълим муассасаси, 84 та касб-ҳунар коллежи, 24 та академик лицей, 341 та умумтаълим мактаби ва 522 та мактабгача таълим муассасаси фаолият юритмоқда.

Пойтахт аҳолисига 44 та шифохона, 124 та амбулатория-поликлиника, 4 та маҳалла врачлик пунктлари хизмат кўрсатади. Замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бир неча оилавий поликлиникалар бунёд этилди.

Бугунги кунда Тошкентда 42 та спорт федерацияси ишламоқда. Кейинги йилларда бунёд этилган спорт иншоотларида яратилган қулайликларнинг маҳсули ўлароқ шаҳарда 696290 киши спорт билан мунтазам шуғулланади.

Тошкентликлар ҳамда меҳмонларнинг мазмунли ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликларга эга бўлган 11 та маданият ва истироҳат боғи хизмат қилмоқда.

Моддий-техник базани ривожлантириш мақсадида барча даволаш-профилактика муассасаларида капитал ва жорий таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Шайхонтоҳур туманидаги 14 ва 55-сонли, Собир Раҳимов туманидаги 4, 42-сонли, Учтепа туманидаги 8-оилавий поликлиникалар халқаро андозаларга мос равишда қурилиб, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Талабалар шаҳарчасидаги 32-поликлиникага 232 милллион сўм миқдорида ҳомийлар маблағи ажратилди ва тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Шаҳарда тез тиббий ёрдам хизмати ҳам анча яхшиланди. Марказий станция, Марказлаштирилган дорихона ва диспечерлик пункти таъмирланди. Юнусобод, Яккасарой, Бектемир, Шайхонтоҳур, Ҳамза, Сергели туман бўлимлари фойдаланишга топширилди. Миробод, Чилонзор, Мирзо Улуғбек туманларида янги кичик станциялар иш бошлади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мавқеи ва жамиятимиздаги аҳамиятини оширишга ҳам жиддий эътибор берилди. Маҳаллалар нуфузини аҳоли орасида янада ошириш мақсадида фуқаролар йиғини таркибига "Маҳалла посбони" жамоатчилик тузилмаси ҳамда диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимлари киритилди. Ҳозирги кунда шаҳримиздаги 474 та фуқаролар йиғини таркибида 1896 нафар ходим фаолият кўрсатиб келмоқда. 2006 йилда шаҳар бюджетида маҳаллалар фуқаролар йиғини фаолиятини молиялаштириш учун 1 млрд. 426,3 млн. сўм ажратилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Уй-жой мулкдорлари ширкатларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан 2002-2006 йилларда Тошкент шаҳрида 3647 та 1991 йилгача қурилган кўпқаватли уй-жойларни, умумий фойдаланиш жойларини ва муҳандислик коммуникацияларини капитал таъмирлаш режалаштирилган бўлиб, 2006 йил 1 июнь ҳолатига 3302 та уй таъмирланди. Йил охиригача қолган 345 та уй ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилиши режалаштирилган.

Тошкентдаги бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳримиз жамоли йил сайин эмас, балки кун сайин ўзгариб, дунёнинг ривожланган давлатлари пойтахтлари қаторига кириб бораётганлиги ҳар бир фуқаро қалбида фахр ва ифтихор ҳиссини уйғотади. Айниқса, янги равон кўчалар, обод маҳаллалар, сўлим хиёбонлар, ёдгорлик мажмуалари, жилвакор фавворалар ва салобатли кўприкларнинг қурилиши гўзал шаҳримиз кўркига янада кўрк қўшмоқда.

Бир сўз билан айтганда, жонажон Тошкентимиздаги ўзгаришлар, худди бир мўъжизага ўхшайди, лекин аслида бу мўъжиза эмас, балки, Она юртимизга, халқимизга мустақиллик бераётган бебаҳо неъматнинг мевасидир.

Абдулла ЮСУПОВ,
«Кўприккурилиштрести» давлат унитар корхонаси 13-отряд бошлиғи,
Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати.

Рақамлар сўзласин



• Тошкент шаҳри ҳудуди 334,8 квадрат километрни ташкил этади. Аҳолиси 2164,6 минг киши. Шаҳарда 11 та туман ва 474 та маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд.

• 2005 йил маълумотига кўра, мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 14,3, саноат маҳсулотининг 10,9, чакана савдо айланмасининг 24,7, ташқи савдо айланмасининг 40,9 фоизи пойтахт ҳиссасига тўғри келади.

• Тошкентда самолёт, кабель, экскаватор, қишлоқ хўжалиги техникалари, йиғирув ускуналари ва кенг турдаги истеъмол моллари ишлаб чиқараётган корхоналар 162 та бўлиб, улар шаҳар ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 72,3 фоизини ташкил этади.

• Жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, шаҳарда 100 га яқин хорижий давлатлар

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 15 йиллигига бағишлаб ўтказилган "Энг улуғ, энг азиз" республика кўрик-танлови ҒОЛИБЛАРИ

1. **Гулнора Абдураҳимова, Анастасия Коразина** (режиссёрлар) — "Ўзбекистон — Ватаним маним" ҳужжатли фильми учун
2. **Баҳодир Аҳмедов** ("Ўзбектелефильм" студияси режиссёри) — Тошкентнинг бугунги қиёфасини безаб турган замонавий иншоотлар ҳақидаги "Бунёдкорлик", "Табаррук даргоҳ" телефильмлари учун
3. **Эсиргап Болиев** ("Халқ сўзи" газетаси бўлим муҳаррири) — Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, миллий хавфсизликни таъминлаш борасида олиб борилаётган сиёсатни кенг оммага етказишга ҳамда ижтимоий-сиёсий мавзуларга оид туркум мақолалари учун
4. **Камол Матёқубов** (таржимон) — Шаҳобиддин Муҳаммад ан-Насавийнинг "Султон Жалолиддин Мангуберди" асари таржимаси учун
5. **Феруза Муҳаммаджонова** ("Тошкент" телерадиоканалининг катта муҳаррири) — "Мустақиллик майдони", "Наврўзнинг қайтиши", "Талабалар шаҳарчаси" видеофильмлари учун
6. **Берди Раҳмат** ("Ўзбекистон" телерадиоканалининг катта муҳаррири) — "Умр дафтари" туркум радиоэшиттиришлари учун
7. **Номоз Саъдуллаев** ("Ўзбекистон овози" газетаси бўлим мудири) — Ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, тадбиркорлик,фермерлик, касаначилик ҳақидаги публицистик материаллари учун
8. **Аҳад Тўхтаохунов, Муҳаббат Шербўтаева** (дизайнерлар) — Истиқлолни мадҳ этувчи панно ва плакатлари учун
9. **Турсунқул Шаймарданов** (рассом) — "Сумалак" ва "Бешик тўйи"картиналари учун
10. **Раъно Шодиева** (киноактриса) — "Ватан" фильмида яратган ўзбек аёли образи учун
11. **Вазира Қаландарова** (фотосуратчи) — "Ҳомийлар ва шифокорлар йили"га бағишланган "Беғубор болалигим" туркум фотолари учун

Рағбатлантирувчи мукофот соҳиблари:

1. **Жўра Асронов** (рассом) — Замондошлар ҳақидаги асарлари учун
2. **Фарҳод Аҳмаджонов** (рассом) — Миниатюра жанридаги асарлари учун
3. **Санобар Боймуродова** (Қашқадарё вилояти телерадиокомпаниясининг катта муҳаррири) — "Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз" видеофильми учун
4. **Дмитрий Власов** (рассом-мультипликатор) — "Бор барака" ва "Кулол" мультфильмлари учун
5. **Дилмурод Дўстмуродов** (Самарқанд вилояти телерадиокомпаниясининг катта муҳаррири) — "Мустақиллик шарофати" видеофильми учун
6. **Ильмира Зайнутдинова** ("Вечерний Ташкент" газетаси мухбири) — Долзарб мавзуларда ёзган таҳлилий мақолалари учун
7. **Туроб Мақсудов** (ёзувчи) — "Муаллим ишқи" ҳужжатли қиссаси учун
8. **Абдураҳмон Насриддинов** (Наманган вилояти телерадиокомпаниясининг бош муҳаррири) — "Озод элим — обод юртим" туркум кўрсатувлари учун
9. **Алиёр Ражабов** (Сурхондарё вилояти телерадиокомпаниясининг бош муҳаррири) — "Юртим жамоли" видеофильми учун
10. **Шукирбай Сипатдинов** (Қарақалпақистан жаслари" газетаси бўлим мудири) — "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастурининг бажарилишига бағишланган материаллари учун
11. **Абдужалил Халилов** ("Бухоронома" газетаси бош муҳарррири ўринбосари) — Маънавий-маърифий мавзуларда ёзган туркум мақолалари учун
12. **Мунира Ганиева** ("Спорт" телерадиоканалининг катта муҳаррири) — Маънавий-маърифий мавзуларда туркум репортажлари учун

ҚУТЛОВ

Газетамизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёт ва қонунчилик бўлими муҳаррири Эсиргап БОЛИЕВ тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш ҳамда огоҳлик мавзусидаги туркум мақолалари учун «Энг улуғ, энг азиз — 2006» республика кўрик танловининг ғолиби деб топилди. Ҳамкасбимизни бу муваффақият билан табриклаймиз ва келгусидаги ижодий ишларига юксак парвозлар тилаймиз.

«Халқ сўзи» жамоаси.

ГАЗЕТАЛАРНИ ВАРАҚЛАГАНДА

ЎТКАЗИБ ЮБОРМАНГ

«Туркистон» 23 август.
Қўчқор Норқобил «Яратувчан халқ йўлдан адашмайди»:

« — Ватан нима, биласанми? — дейди шоир бу йил биринчи синфга борадиган болага. — Ватан — бу сенинг уйинг. Уйинғни қўриқлайсан-ку. Тўғрими? Масалан, дейлик бирор чигиртка сенинг уйингга кирса, уни ҳайдайсан, тўғрими? Катта бўлсанг, ватанни ҳам ана шундай қўриқлайсан... Ватан — бу ҳаммамизнинг уйимиз».

«Маърифат» 23 август.
Бахтиёр Ёқубов «Нуфузли танловнинг энг ёш ғолиби»:

«Жаҳонмурод 23 ёшида «Халқ таълими аълочиси» унвонига сазовор бўлди. Бу хушхабарни отасига телефон орқали айтганида, бир умр фарзандларини шу шарафли ва машаққатли касб орқасидан тарбиялаётган падари бузруквори ўзини йиғидан тия олмади».

«Спорт» 23 август.
Акмал Абдиев «Истиқлол берган имконият»:

«Аждодлар мардона руҳи сенга ёр!»... Мадҳиямиздаги бу сатрлар бежизга эмас. Бизнинг Амир Темур, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Жалолиддин Мангуберди, Тўмарис каби енгилмас, мард аждодларимиз бор. Шуларнинг руҳи ҳар қадамда қўллаб турса, уларнинг авлоди эканлигимиз ҳар доим юрагимизда янгича куч бағишлаб туради».

«Ҳуқуқ» 23 август.
Ҳаётхон Ортиқбоева «Ишонч, фахр ва масъулият»:

«Кўнглимда бир дунё режалар, истиқлол байрами олдидан юртдошларим билан бўладиган мулоқотлар масъулияти. Мен шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, сенат қонун ижодкорлиги жараёнида муносиб ўринни эгаллаб бормоқда. Мен сенатор сифатида ўзим яшаётган ҳудуднинг манфаатларини ифодалаётганим, мамлакатим тақдирига оид масалаларни ҳал этишда иштирок этаётганим билан фахрланаман».

КИЧИК ЮЛДУЗ АКАДЕМИЯСИДА

бўлажак фазогирлар ва кашфиётчилар билим олади

Юртимизда истеъдодли ва қобилиятли ёшларни излаб топиш, уларни янада қўллаб-қувватлаш йўлида кўп ишлар амалга оширилмоқда. Зотан, Ибн Сино ва Беруний ворислари бўлмиш бу ёшлар орасида янги юлдузни очиш, нисбийлик назариясини ривожлантириш, супер замонавий самолёт ихтиро яратиш ёки зилзилани илмий йўллар билан олдиндан айтиш орзусида юрганлар оз эмас. Бундай иқтидорли ва илмга чанқоқ йигит-қизларнинг ижодкорлик қобилиятини янада ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратиб бериш эса жуда муҳим. Мамлакатимизда ўн саккиз йил муқаддам ташкил этилган Халқаро аэрокосмик мактаб (ХАКМ) фаолияти ана шундай ғамхўрликка ёрқин мисол бўла олади.

Бу оддий мактаб эмас, бежиз уни «Кичик юлдуз академияси» деб аташмайди. ХАКМнинг ёш академиклари орасида юқори синфда ўқийдиганлари 15-17 ёшда. Улар мактаб дастурларини мукаммал даражада ўзлаштирган оддий аълочилардан эмас. Улар аниқ фанлар бўйича вилоятлар ва республика олимпиадалари ғолибларидир. Улар ҳали ёш бўлишига қарамасдан, ҳозирданоқ илм сўқмоқларига, аста-секин бўлса-да, қадам ташламоқда, унинг сир-асрорларини очишга интилмоқда, кечалари ҳатто академик институтлар ҳам ҳал этолмаётган жумбоқлар устида бош қотиришмоқда. Айни пайтда юлдузлар, узоқ галактикаларга сайёраларраро саёҳатлар ҳақида орзу қилишаяпти ва келажак учар мосламалари бўйича янги ғоялар беришга ҳам тайёр.

ХАКМда машғулотлар одатий мактаб сингари йил бўйи эмас, балки мактаб таътиллари даврида икки ҳафта давом этади. Бу тушунарли, чунки ёш академиклар маърузалар ва амалий машғулотлар давомида нафақат янги билимларга эга бўлади, балки алоҳида дастур асосида ўз билимларини ошириб боришади. ХАКМдаги ўқитувчилар таркиби «юлдузлар»дан ташкил топган: улар орасида Ўзбекистон, Россия ва бошқа давлатлардан келган машҳур фазогирлар ва олимлар, авиация ва коинотшунослик соҳасидаги етакчи мутахассислар бор. Улар раҳбарлигида йиллик йиғинлар пайтида ёш «академик»лар авиация ва космонавтика йўналишларида чуқур тадқиқотлар билан шуғулланади.

ХАКМнинг илк курслари 1989 йилда ўтказилган эди. Кейин эса дунёнинг ҳеч бир мамлакатида тенги бўлмаган ушбу мактабнинг сессиялари пойтахт вилояти Паркент

туманидаги ҳушманзара Қизилсой тоғли ҳудудида ҳар йили ўтказиладиган бўлди. ХАКМнинг тингловчилари анча мураккаб тест синовларидан ўтиб, Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан келган 30-35 нафар иқтидорли ўқувчилар, шунингдек, хорижий давлатлардан келган 15-20 юқори синф ўқувчиларидан ташкил топган. Турли пайтларда бу мактабда Озарбойжон, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Малайзия, Покистон, Польша, Россия, Туркия ва Франциядан келган йигит-қизлар тингловчи бўлишган.

Шу йил июль ойининг охири ва август бошларида ўтказилган ХАКМ-2006 машғулотлари мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллигига бағишланди. Унда ўқитувчи сифатида учувчи-фазогир Солижон Шарипов, фазогир-йўриқчи Андрей Маликов, Россия фазогирлар тайёрлаш маркази врачи Александр Матвеев, Париждан келган «Эйр Франс» компаниясининг «Боинг-747» самолёти командири Кристин Дебюзи хоним раҳбарлигидаги маърузачилар гуруҳи, шунингдек, Ўзбекистон ва Россиянинг авиация, коинот соҳаларидаги етакчи олимлари иштирок этишди.

Анчайин тиғиз машғулотлардан ташқари ХАКМ тингловчилари ўзлари тайёрлаган фазовий ускуналар, космик кемалар ва тизимлар бўйича илмий-техникавий лойиҳаларини ҳимоя қилишди. ХАКМдаги сунъий космодромда ўқувчилар томонидан тайёрланган самолёт ва ракета моделлари мусобақаси бўлди. ХАКМ тингловчилари асосан «техник» бўлишига қарамасдан, энг яхши фантастик ҳикоя ва расм танловида иштирок этишиб, ажойиб ғоя ва ижодкорлик қобилиятини намойиш қилишди.

ХАКМ-2006ни ўтказиш давомида унинг бир қатор машҳур иштирокчилари давлатимиз раҳбари номига мактуб йўллаб, Ўзбекистон халқини мустақилликнинг 15 йиллиги байрами билан муборакбод этишди ва Халқаро аэрокосмик мактаб фаолияти ҳақида ўз фикрларини билдиришди. Хусусан, Ўзбекистон Президентига мурожаатида учувчи-фазогир Солижон Шарипов Халқаро аэрокосмик мактаб битирувчилари орасидан янги учиш аппаратлари тайёрлаш ва фойдаланиш соҳасидаги етук олимлар, конструкторлар ва мутахассислар, шунингдек, космик экспедицияларнинг бўлғуси иштирокчилари етишиб чиқишига умид билдирди. Кристин Дебюзи хоним давлатимиз раҳбарига ёзган мактубида таъкидлашича, сўнгги беш йил ичида у шоирлар ва нозиктаъб инсонлар, бой тарих ва қадимий меъморий ёдгорликларга тўла диёримизга бажонидил ташриф буюрмоқда. У заминимиздан етишиб чиққан буюк алломалар ва давлат арбоблари неча минг йиллардан буён Марказий Осиё минтақасининг тараққиётига хизмат қилаётганини ва ҳозир ҳам ана шундай одамлар ХАКМ фаолиятида иштирок этаётганини тилга олади. Мактубда Халқаро аэрокосмик мактаб фаолияти она заминимиз фарзандлари ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашга ёрқин намуна бўлаётгани алоҳида қайд этилган.

Элдор МУДАРИСОВ,
«Народное слово» шарҳловчиси.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хитойга давлат ташрифи чоғида Ислом Каримов ва Ху Цзинтао томонидан имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома муҳим ўрин тутади. Ушбу ҳужжат барча йўналишларда, жумладан, савдо-иқтисодий соҳада ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга қаратилган.

Ўзаро иқтисодий ҳамкорлик кўламини таҳлил қилиш, мавжуд муаммоларга барҳам бериш, янги режаларни белгилашда Савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг аҳамияти катта. Унинг бу галги йиғилишида ўтган вақт мобайнида кўплаб йўналишлар, хусусан, сармоявий соҳада ҳамкорлик изчил ривожланганги таъкидланди. Жумладан, ҳозир нефть-газ, телекоммуникация, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ипакни қайта ишлаш, коммунал хизмат соҳаларида икки мамлакат компаниялари ҳамкорлигида қатор лойиҳалар амалга оширилаётганини қайд этилди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда хитойлик сармоядорлар иштирокида тузилган 83 корхона фаолият кўрсатаётир. Улар енгил саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, ахборот технологиялари каби соҳаларда иш юритаяпти. Юртимизда Хитойнинг 26 фирма ва компанияси ўз ваколатхонасини очган. 2005 йилда ўзаро савдо ҳажми 2004 йилдагига нисбатан 32,2 фоизга ошиб, 485,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг биринчи ярмида эса бу кўрсаткич 378,8 миллион доллардан ошди.

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар изчил ривожланмоқда, — деди Юй Гуанчжоу. — Машинасозлик, энергетика, кимё, телекоммуникация ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида икки томон учун катта манфаат келтираётган қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Биз фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солишимиз, хусусан, савдо соҳасидаги алоқаларни янада ривожлантиришимиз, мамлакатларимизда фаолият юритаётган компаниялар, тадбиркорлар, ишбилармонларнинг иш юритиши учун яратилган шароитларни янада яхшилашимиз керак.

Айни пайтда Ўзбекистондан Хитойга нефть маҳсулотлари, пахта толаси, ипак, ўғит каби маҳсулотлар экспорт қилинмоқда. Хитойдан эса юртимизга электротехник ва механик ускуналар, оптик аппаратлар, чой, рангли ва қора металл, пластмасса буюмлар ва бошқа маҳсулотлар келтирилмоқда.

Комиссия мажлисида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги ҳолатини таҳлил этиб, истиқболда уни янада тараққий эттириш имкониятларини кўриб чиқдилар. Биргаликда қатор соҳаларда янги қўшма корхоналар ташкил этиш, савдо-иқтисодий алоқаларни янада фаоллаштиришга келишиб олинди. Иштирокчилар Ўзбекистон билан Хитой ўртасида савдо-иқтисодий, молиявий ва сармоявий соҳалардаги ҳамкорлик янги босқичга кўтарилаётганини, мазкур мажлис уни янада кенгайтириш учун икки мамлакатда ҳам салоҳият ва имкониятлар кўплигини намойиш қилганлигини қайд этдилар.

Тадбир якунида Хитой Халқ Республикаси ҳукумати томонидан ажратилган имтиёзли кредит асосида Ўзбекистон Республикасида ихтисослаштирилган ҳарбий госпитал қурилиши лойиҳаси бўйича ноталар алмашилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётига Хитой томонидан 50 миллион Хитой юани миқдорида грант ажратиш тўғрисидаги битим имзоланди.

(ЎзА).

Асосий мезон — мижозлар манфаати

Акционерлик тижорат «Алоқабанк», авваламбор, ресурс базасининг барқарорлигини таъминлашга, акциядорлар ва омонатчиларининг манфаатларидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг маблағларини ҳимоялаш мақсадида ўз капиталини шакллантиришга катта аҳамият қаратмоқда. Капитал миқдорини ошириш, ликвидлилик ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида банкнинг активлари ўсиб, молиявий кўрсаткичлари яхшиланди. Банкнинг умумий фаолиятида, шу жумладан, инвестиция ва кредит жараёнларида ижобий ўзгаришлар рўй берди, янги замонавий банк хизматлари жорий этилди.

Мазкур молиявий муассаса, шунингдек, иқтисодиётнинг таркибий ўзгаришларида фаол иштирок этиб, ўзининг кредит фаолиятини халқ хўжалигининг реал тармоқларига, жумладан, алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги таркибига кирувчи корхоналарни молиявий қўллаб-қувватлаш, кичик бизнес субъектлари ҳамда хусусий тадбиркорларга кредит маблағлари ажратишга қаратган ҳолда олиб бормоқда. Хусусан, банк умумий активларининг 52,4 фоизи кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Банкнинг мазкур тармоқларни ривожлантириш учун ажратган жами кредитлари эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 22 фоизга ошди.

Республикамизда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ривожланишини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб бориш, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, аҳоли турмуш даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратишда бу борада қабул қилинган бир қатор қонунлар асос бўлмоқда, албатта. Бу ўз-ўзидан мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка бўлган эътиборнинг кучайганлиги натижасидир.

Кредитлар мулкчилик шакли бўйича давлат ва нодавлат ташкилотларига, хусусий ва қўшма корхоналарга ҳамда жисмоний шахсларга муайян миқдорда тақсимланган бўлиб, уларнинг энг кўпи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

«Алоқабанк»нинг олдига қўйилган асосий вазифалардан бири, табиийки, кичик бизнес субъектларини кредитлаш ва уларнинг ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтиришдан иборатдир.

Банк кредит портфелининг 55 фоизи кичик ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлашга ажратилгани пировардида жами 3696 та янги иш ўрни ташкил этилгани йил давомида эса 635 нафар киши иш билан таъминлангани шундан далолат беради.

Бу билан банк хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаб, республикамизнинг иқтисодий тараққиётига самарали ҳисса қўшиб келмоқда.

Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3434 сонли Фармони талабларини амалга ошириш бўйича эса аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида 48 та мижозга ажратилган кредитлар қолдиғи 323 млн. сўмни ташкил этди.

Бундан ташқари, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори талабларини бажариш мақсадида 264 нафар жисмоний шахсга банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан чорва молларини сотиб олиш учун 207,1 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди.

Жорий йил давомида ҳам банк томонидан жисмоний шахсларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, узоқ муддат хизмат қилишга мўлжалланган товарлар билан савдо қилувчи мижозлар билан ўзаро кооперацион алоқаларни мустаҳкамлаш орқали аҳолига кенг миқёсда истеъмол кредитлари бериб келинмоқда.

Аҳоли кенг қатламининг истеъмол талабларини қондириш мақсадида эса банк томонидан уй-рўзғор буюмлари: радио-электрон ва маиший асбоб-ускуналар, мебеллар, интерьер буюмлари, уй-жойларни таъмирлаш билан боғлиқ товарларни харид қилиш, автомашина сотиб олиш ва аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар (дам олиш ва даволаниш сиҳатгоҳларида), туристик саёҳатлар ва бошқа мақсадлар учун узоқ муддатли кредитлар ажратилмоқда.

Шунингдек, банкда уяли телефон сотиб олиш ва хизмат кўрсатиш ҳамда тўй маросимларини ўтказишни ташкил этиш бўйича ҳам янги истеъмол кредит турлари жорий этилганки, буларнинг ҳаммаси мижозларга маъқул келмоқда.

МТС

«MTC-SUPER» ТАРИФ РЕЖАСИ!

ЎЗБЕКИСТОН БЎЙИЧА АЛОҚА $0.04 (1 дақиқа учун)

ТАРМОҚ ИЧИДАГИ КИРУВЧИ АЛОҚА БЕПУЛ

ТАРМОҚ ИЧИДАГИ ЧИҚУВЧИ АЛОҚА $0.02 (1 дақиқа учун)

МТС-Ўзбекистон абонентлари учун:
- Халқаро роуминг хизмати Россияда (New Telephone Company), Бенинда (Spacetel) ва Украинада (URS) ишга туширилди.
- Тармоқ кенгайиши давом этмоқда! Қўшимча 10 янги база станциялари Тошкент шаҳрида, Сурхондарё вилоятида (Шўрчи, Кокайди, Сурхон чигит, Элбаён), Самарқанд вилоятида (Илим), Қорақалпоғистон Республикасида (Олтинкўл), Фарғона вилоятида (Андархон) ва Андижон вилоятида (Пахтаобод) ишга туширилди.

Хизматлар лицензияланган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.

БАТАФСИЛ МАЪЛУМОТ БИЛАН WWW.MTS.UZ САЙТИДА ТАНИШИШ МУМКИН
Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади. Нархларга барча солиқлар киритилган.

ОРТИҚЧАСИНИ ТАШЛАНГ! КЕРАГИНИ ОЛИНГ!
ВИКТОРИНАНИ ТЕЛЕФОНИНГИЗ МЕНЮСИДА ИЗЛАНГ
MTS-PLUS → SIM-CAFE → RAZVLECHENIYA → ERUDIT → VOPROS
Батафсил маълумот www.mts.uz ва www.jmi.uz сайтларида

ТЕЛЕФОНИНГИЗ МЕНЮСИДА КЎНГИЛОЧАР ХИЗМАТЛАР ОЛАМИ
SIM-INFO: SIM-info, Meklu, Znakomstva, Razvlecheniya, KABINET
INFORMACIYA: Kuts valyut, Poznay rair, Recepti, KULTURA, Rubel
RAZVLECHENIYA: Bioritmi, Pozdravleniya, Yumor, Gadaniya

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

Россиянинг «Сигнал» компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, электрон блокли (БК) мувофиқлаштирадиган

турбинали саноат газ ўлчагичларини (СТГ) таклиф этади.

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.
Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал – Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи.
Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

MANNESMANN
МЕХАНИЧЕСКИЕ И ЭЛЕКТРОИНСТРУМЕНТЫ
В ШИРОКОМ АССОРТИМЕНТЕ
ПРОИЗВОДСТВА ГЕРМАНИИ
под заказ
ДИЗЕЛЬГЕНЕРАТОРЫ Тел. (998-90)186-26-40
Тел.: (998-71) 115-28-71;(998-90) 187-60-86.
E-mail:asm-uz@yandex.ru

Мустақиллик — менинг тақдиримда!

— Мен санъаткорман. Айнан истиқлол йилларида элга танилдим. Мустақиллик инъом этган имкониятлардан фойдаланиб, ижод қилаяпман. Кўплаб қўшиқлар яратдим. Ижро этган хонишларим орасида Ватан мавзусидагилари, айниқса, юрагимга яқин. Гўзал диёримиз ҳақида айтилган ҳар бир қўшиқ дилга илҳом бахш этади. Ватан ҳақида юракдан куйлаш — саодат.

«Жон ўзбегим, элим!..»

Озода НУРСАИДОВА, хонанда:

Тўғри, бу мавзуда куйлаётганлар кўп. Уларнинг аксарияти мухлислар дилидан жой олаяпти. Аммо шу билан бирга тингловчи қалбига етиб бормайдиган, номигагина ижро этилаётган қўшиқлар ҳам йўқ эмас. Фикримча, Ватан ҳақида куйлашдан олдин уни юракдан ҳис қилиш лозим. Давлатимиз раҳбари санъат ва адабиётга, маърифатга алоҳида меҳр билан ғамхўрлик қилаётганини бутун дунё билади. Демак, ана шу эътиборга муносиб бўлиш керак.

Ўзбекона урф-одатларимиз, ҳеч бир миллатда учрамайдиган анъаналаримиз қайта кўз очяпти. Шундан илҳомланиб, "Жон ўзбегим, элим" деган қўшиқ айтганман. Элимизнинг яхши кунлари, тўйлари кўп. Шундай хурсандчилик кунларида одамлар қувончига шерик бўлиш санъаткор учун катта бахт. Мана шунақа тантана пайтида мендан кўпчилик "Жон ўзбегим, элим»ни айтинг", деб илтимос қилади. Бу талабдан бошим осмонга етиб, қайта-қайта ижро этаман. Мухлислар қўшиқнинг сатрларини мен билан баб-баравар қўшилиб такрорлашганида юрагим ҳаприқиб кетади. Бундан ортиқ бахт борми?!

Яна бир ниятим, миллий эстрадамизни дунёга танитиш. Шу мақсад йўлида қўлимдан келганича ҳаракат қилаяпман. Бу йилги концертимизда рус, инглиз тилларида ҳам қўшиқлар ижро этдим. Чет элликлар кўриб, билиб, англаяпти: ўзбек фарзандлари Ватан мадҳини хоҳлаган тилда куйлай олади!

Бир воқеани айтиб берай. Концертимиздан олдин Ҳиндистонга янги клип ишлаш учун бордик. Очиғи, бир кун ўтмай юртимизни соғиндим. Ватанимизни жаннатмакон дейишлари бежиз эмас! Тупроғини кўзимизга тўтиё қилсак, арзийди! Тўғри, оламда юрт кўп, мамлакат кўп. Ҳар бир мамлакатнинг ўз жамоли бор, бироқ она юрт — Ўзбекистонимиз ҳар жиҳатдан ягона!

Беадад шукр, Ватанимизда осойишталик ҳукмрон. Бу бебаҳо неъматни қадрлашимиз керак. Юртини асрамоқчи бўлган одам, Президентимиз таъкидлаганларидек, ҳар доим огоҳ бўлиб яшаши керак. Айтаётган, айтадиган қўшиқларимиздан ҳам муддао шу: юртимиздаги хотиржамлик ва тинчликка кўз тегмасин.

Жасур ҲАМРОЕВ ёзиб олди.

Ўзимдайин истараси иссиқсан, Қучоғимда кулиб турган юлдузсан...

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мустақилликка тенгдош мулия муассасаларидан бири ҳисобланади. У мамлакатимизда спортни оммавийлаштиришга ҳам ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда. Банк ходимлари ўртасида ҳар йили спартакиада ўтказиш анъанага айланган.

Банкирлар беллашганда...

Яқинда банкнинг бўлим ва филиаллари ўртасида мини футбол, сузиш, теннис, баскетбол, волейбол, шахмат ва шашка турлари бўйича уюштирилган спартакиада мамлакатимиз мустақиллиги ва банк ташкил топганлигининг ўн беш йиллигига бағишланди. Турнирнинг ҳудудий босқичида 1500 нафардан ортиқ ходимлар ўз омадларини синовдан ўтказдилар.

Финалда эса Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Андижон ва Тошкент шаҳри жамоалари бош соврин учун баҳс юритдилар. Спартакиада дастуридаги барча мусобақаларда муваффақиятли иштирок этган Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Тошкент шаҳар бош бошқармаси жамоаси бош соврин — «Нексия» автомошинаси билан тақдирланди. Иккинчи ўрин Навоий, учинчи ўрин эса Самарқанд вилояти жамоасига насиб этди.

З. ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Экосан»нинг янги ташаббуси

«Экосан» халқаро жамғармаси Қашқадарё вилоятида «Туризм ва экотуризм — барқарор ривожланиш мақсадида» мавзуида тадбир ўтказди.

Мустақилликнинг 15 йиллиги ва Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган бу тадбир Шаҳрисабзда экология фестивали ўтказиш билан бошланди. Унинг қатнашчилари Соҳибқирон Амир Темурнинг муаззам ҳайкалини, унинг салтанати тимсоли бўлиб қолган Оқсаройни зиёрат қилдилар. Бунинг боиси бор. «Экосан» жамғармаси вилоят бўлими Қарши Давлат университети ва муҳандислик-иқтисодиёт институти эколог олимлари билан ҳамкорликда тайёрлаган дастурда Амир Темур қадамжолари бўйлаб 2 та экологик туризм йўналиши белгиланган. Шу тадбир доирасида вилоятга «Экосан» саломатлик поезди келди. Унда 60 миллион сўмлик инсонпарварлик юклари бор эди. Дастлабки куни тиббий ашёлар, гигиена воситалари вилоят ногиронларни реабилитация қилиш маркази, вилоят оналар ва болалар шифохонаси, кўзи ожиз болалар мактаб-интернатига топширилди.

— «Экосан» жамғармасининг шифохоналарга хайрия ёрдами кўрсатиши анъанага айланиб қолди, — дейди вилоят оналар ва болалар шифохонаси бош ҳакими Эркин Нодиров. — Бу гал бизга қарийб 7 миллион сўмлик аёллар халатлари, тўшак қопламалари, дезинфекция ва гигиена воситалари келтириб беришди. Шифохонамиз зарур моддий ресурслар билан давлат томонидан таъминланиб турилибди. Лекин инсонпарварлик ёрдамининг ҳам ўз ўрни бор. Бу инсонлар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг белгиси сифатида қадрли.

Экотуризмни ривожлантириш «Экосан» жамғармасининг янги ташаббуси бўлиб, унинг фестиваллар ташкил этиш ва инсонпарварлик тадбирлари билан қўшиб ўтказилаётганлиги яхши самара бериши шубҳасиздир. Вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев иштирокида шу масала бўйича ўтган йиғилишда ҳам бу нарса алоҳида таъкидланди.

Б.НОРҚОБИЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Халқаро кўргазма

Марказий Осиё минтақасидаги энг катта халқаро кўргазма – «Текстиль, тўқимачилик саноати учун ускуналар ва технологиялар — «TextileExpo Uzbekistan» кўргазмаси мана, учинчи йилдирки, пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да иш бошлашга тайёрланмоқда.

«Textile Expo Uzbekistan»:

ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ УЙҒУНЛИГИ

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, айни тўқимачилик саноатининг ривожланиши мамлакат иқтисодий салоҳияти янада ўсишига кучли туртки бериши мумкин. Пахта толасини қайта ишлашдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган босқичлардан иборат ишлаб чиқариш линиясининг йўлга қўйилиши шу мақсадга эришишнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Чунки, тайёр маҳсулот қиймати тола нархига нисбатан 1,5 бараваردан 20 бараваргача ортиқдир.

«ITE Uzbekistan» халқаро кўргазмалар компаниясининг мутахассислари ва унинг ҳамкори «ITE Group Plc»нинг эътироф этишича, ҳозирги кунда бу кўргазма — уларнинг энг истиқболли лойиҳаларидан бири. Бундай муваффақиятга эришиш учун етарли даражада замин мавжуд: кейинги бир неча йил ичида Ўзбекистон тўқимачилик тармоғи ғоят ривожланди. Давлат томонидан юритилаётган сиёсатнинг шарофати туфайли мамлакатда экспортга мўлжалланган ҳамда импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарилишини тезроқ йўлга қўйиш мумкин бўлган тармоқлар, жумладан, тўқимачилик саноати ривожланиши рағбатлантирилмоқда.

Республикада ҳар йили ўртача 1,1-1,2 миллион тонна пахта толаси ишлаб чиқарилмоқда. Бундан англаниладики, Ўзбекистон ҳамиша жаҳонда пахта ишлаб чиқарувчи етакчи мамлакатлардан бири бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Бироқ 1991 йилгача хомашёни қайта ишлаб, ундан ярим фабрикат ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш улуши 7-10 фоиздан ошмас эди. Қолган пахта толаси эса, собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларига қайта ишлаш учун жўнатилар ёки чет элга экспорт қилинарди. Шу боис тўқимачилик тармоғини ривожлантириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, мамлакатимиз бозорини тўлдириш ва экспорт ҳажмини ошириш ёш давлатни ривожлантириш йўлида устувор йўналишларга айланди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда қарийб 200 та янги тўқимачилик корхонаси модернизацияланди ёки барпо этилди. Улар ҳозирги кунда фақат калава ип ва газламаларнигина эмас, балки кўплаб турдаги тайёр трикотаж ва тикувчилик маҳсулотларини ҳам ишлаб чиқармоқда. 1995-2005 йиллар давомида ип-газлама ишлаб чиқариш 1,8 баравар, пахта толасидан тайёр мато ишлаб чиқариш 10,5 фоиз кўпайди, трикотаж мато ишлаб чиқариш ҳажми эса 6 миллион тоннага етди. Мамлакатда қайта ишланган пахта улуши 2005 йилда қарийб 25 фоизни ташкил этган бўлса, яқин йилларда, бу кўрсаткич 55 фоизга етиши керак. Бу ҳолат тўқимачилик тармоғининг ЯИМдаги улушини ҳозирги 7,1 фоиздан 19,5 фоизга кўтариш имконини беради.

2005-2008 йилларда, айниқса, тўқимачилик саноатига инвестицияларни жалб этиш дастури амалга оширилишига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ҳужжатга мувофиқ, 94 та лойиҳани амалга ошириш мўлжалланаяпти. Уларга 1,2 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ хорижий инвестициялар жалб этилиши керак. Хорижий инвесторлар бу тармоққа қизиқишларига барқарор хомашё базаси билан бир қаторда арзон ҳамда юқори малакали меҳнат ресурслари ва аввало, мамлакат раҳбарияти берадиган ёрдам ва яратиб қўйган қулай ва эркин шарт-шароит сабаб бўлмоқда.

«ITE Uzbekistan» халқаро кўргазмалар компанияси буларнинг барчасини ҳисобга олиб, тармоқни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиш мақсадида Ўзбекистон пойтахтида тўқимачилик тармоғи кўргазмасини ташкил этиш лойиҳасини амалга ошира бошлади. Унга билдирилаётган қизиқиш кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Иккинчи марта ўтказилган «TextileExpo Uzbekistan — 2005» кўргазмасининг ўзидаёқ жаҳоннинг 18 мамлакатидаги 100 дан ортиқ компания қатнашди. Бу эса, биринчи кўргазмадагидан 60 фоиз кўп эди. Кўргазманинг эгаллаган майдони ҳам икки баравар кенгайди.

Марказий Осиё тўқимачилик бозорига қизиқиш ўсиб бораётгани ҳамда Ўзбекистон иқтисодиёти ижобий ривожланаётгани ўтказиладиган тадбирнинг байналмилал характери ва кўргазмада қатнашадиган Ўзбекистон ҳамда чет эл компаниялари сони ўсаётгани билан ҳам тасдиқланмоқда. Бу йилги тўқимачилик кўргазмаси экспозициясида жаҳоннинг 23 мамлакатидаги 160 га яқин компания қатнашади. Булар Австрия, Беларусь, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Голландия, Дания, Испания, Италия, Хиндистон, Эрон, Хитой, Корея, Нидерландия, Покистон, Россия, АҚШ, Тайвань, Туркия, Франция, Чехия, Швеция, Швейцария, Япония каби мамлакатлар ва, албатта, Ўзбекистон компанияларидир.

«TextileExpo Uzbekistan — 2006» кўргазмасида тўқимачилик машинасозлиги соҳасидаги энг замонавий ютуқлар, энг янги технологиялар намойиш этилади. Кўргазма меҳмонлари анъанавий тарзда енгил саноат учун ускуналар, хомашё ва технологиялар ишлаб чиқарувчилар билан тўғридан-тўғри амалий алоқалар ўрнатиш, ўзларида тўқимачилик ишлаб чиқаришини ривожлантириш учун барча зарур нарсаларни танлаш имконига эга бўладилар. t

Тадбир

Қутлуғ кунлар, байрамлар арафасида эл-юртга хизмати сингган, бизнинг тинч-омон кунларимиз учун жон фидо қилган инсонларни хотирлаш анъанага айланган.

ЯХШИЛАР ЁДИ

Мана бир неча йилдирки, Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси томонидан Мустақиллик байрами ва янги ўқув йили бошланиши арафасида хизматни ўташ даврида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандларига меҳр ва мурувват кўрсатилиб, уларга моддий ёрдам бериб келинади. Бу йил ҳам эзгу анъана давом эттирилди.

Ана шу муносабат билан уюштирилган тадбирда сўзга чиққан Ички ишлар вазирлиги фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги милиция генерал-майори Ғофир Раҳимов, Тошкент вилояти ИИБ бошлиғи Мирсамад Адилов, вилоят касаба уюшмалари кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова ва бошқалар юртимиз тинчлигини сақлашда ҳалок бўлганлар ҳеч қачон унутилмаслиги, уларнинг фарзандлари доимо ҳукуматимиз эътиборида эканини таъкидладилар.

Ҳайрия тадбири сўнгида 61 нафар мактаб ёшидаги болажонларга ташкилотчиларнинг совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.

Акс садо

Газетамизнинг 2005 йил 23 декабрь сонида «Хомталаш» сарлавҳали мақола чоп этилганидан кейин орадан кўп ўтмай таҳририятга бир ҳужжат келиб тушди. Бу Андижон вилоят Давлат мулки бошқармасининг ҳуқуқшунос-маслаҳатчиси М.Тўйчиевнинг таҳририятдан ва мақола муаллифидан моддий ва маънавий зарар ундириш тўғрисида фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судига киритган даъво аризасининг нусхаси эди.

Ҳуқуқшунос-маслаҳатчининг даъвоси РАД ЭТИЛДИ

Мазмуни — мақола чоп этилиши муносабати билан бошқарма маъмурияти уни 2005 йил якуни ҳамда 2006 йилда бериладиган мукофотдан маҳрум этибди ва бунинг учун таҳририят ва мақола муаллифи гуноҳкор эмиш.

Бу ҳужжатнинг икки жиҳати қизиқ ва тушунарсиз эди: биринчидан, мазкур мақолада даъвогарнинг исм-шарифи ўчирилган, ҳатто «ҳуқуқшунос» деган сўз ҳам йўқ бўлса-да, даъводан муддао нима? Қонун бўйича, мақола орқали ноқонуний равишда аниқ бир шахснинг моддий харажатларига сабаб бўлинса ва унинг обрў-эътиборига, ишчанлик фаолиятига путур етказилса, исм-шарифи ёзилган ҳолда унга нисбатан ҳақоратомуз сўз ёки жумлалар ишлатилган бўлсагина моддий ва маънавий зарар талаб қилинади. Иккинчидан, ҳуқуқшунос вазифасида ишлаётган одам газетага нисбатан даъво аризани мақоладаги объект манзили бўйича эмас, таҳририят жойлашган тумандаги суд маҳкамасига бериш лозимлигини билмаса?

Орадан анча вақт ўтди. Фуқаролик ишлари бўйича Андижон вилоят судида тегишли тартибни ҳуқуқшунос даъвогарга тушунтиришган шекилли, ниҳоят бу даъво аризанинг фуқаролик ишлари бўйича Миробод тумани судига топширилган нусхаси таҳририятга келди.

Суд ишни даъвогар ва жавобгар томонлар иштирокида атрофлича кўриб, юқорида айтилган ҳолатларга асосан «даъвогар Тўйчиев Маъмуржоннинг жавобгар «Халқ сўзи» газетаси ва мухбир Ҳ.Олимжоновларга нисбатан «Хомталаш» мақоласи юзасидан раддия эълон қилиш, моддий ва маънавий зарарни ундириш ҳақида»ги даъво аризаси рад этилсин» деган ҳал қилув қарори чиқарди.

Апелляция тартибида шикоят ёки протест берилмади.

Фаол ёшлар дастури

Бугунги кунда ёшларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги роли ва масъуллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.



Шу маънода Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ва Ўзбекистон Либерал-демократик партияси кўмагида кўпбосқичли фаол ёшлар дастури ишлаб чиқилгани айни муддао бўлди.

Бўстонлиқ тумани "Хумсонбулоқ" оромгоҳида ёшлар етакчиларини тайёрлаш бўйича ўтказилаётган ёзги мактаб ана шу дастурнинг асосий босқичларидан биридир. Мазкур дастур доирасида "Ёшларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини оширишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли" мавзуида жойларда давра суҳбатлари ўтказиб келинмоқда. Уларда юртимизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси бўйича танловдан ўтган юздан ортиқ ёшлар иштирок этишди. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёшларни жипслаштириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган. Ушбу дастур ёшларнинг миллий ўзлигини англаш, маънавий дунёсини бойитиш, бунёдкорлик саъй-ҳаракатларини юрт ривожига йўналтиришда самарали воситалардан бири бўлиб хизмат қилади.

Шоира БОЙМУРОДОВА.

MANAGEMENT CONSULTING

Бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001, OHSAS 18001, ISO 14001, ISO/TS 16949, HACCP (ISO 220 00) халқаро стандартлари талаблари асосида бошқарув тизимларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш

ISO 9001

Бошқарув тизимида ходимларни ўқитиш ва тайёрлаш, сертификация ва назорат аудитларини ўтказиш.

Шунингдек, ҳужжатларни электрон бошқариш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича хизматлар кўрсатади.

Компания мижозлари:
- «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи» УШК
- «Муборакнефтгаз» УШК
- «Жанубий газ қурилиш» ОАЖ
- «Қашқадарёгазсаноатқурилиши» ОАЖ
- «Rubicon Wireles Communication» ҚК
- «УзДонгВон КО» ҚК
- «UZEXIDE» ҚК
- «АВТООЙНА» ОАЖ
- «ТАТ-Реестр» МЧЖ
- «Viniad» ИИК ва бошқалар.

Тел.: (+99871) 132-12-55, 136-14-09, 154-30-78. Факс: (+99871) 132-20-83.

e-mail: info@mc.uz http://www.mc.uz

«DQS QUALITY SYSTEMS» компанияси сертификация бўйича немис DQS GmbH органининг расмий ҳамкори ҳамда вакили сифатида қуйидаги хизматларни таклиф қилади:

- бошқарув тизимини ISO 9001, ISO 14001, OHSAS 18001, ISO/TS 16949, ISO 22000, HACCP, GMP ва бошқа стандартлар бўйича сертификациядан ўтказиш;
- лабораторияларни ИСО 17025 стандарти бўйича аккредитацияга DAP орқали тайёрлаш (аккредитация бўйича немис органи);
- Европа стандартлари IFS/BRC бўйича маҳсулотларни сертификациядан ўтказиш;
- тиббий жиҳозларни ишлаб чиқарувчи корхоналар бошқарув тизимини EN13485/88 бўйича сертификатдан ўтказиш;
- турли мутахассисликлар бўйича ишчилар квалификациясини сертификациялаш;
- ISO/IEC 27001 сифат менежмент тизими стандарти бўйича маълумотлар хавфсизлигини сертификациядан ўтказиш;
- юқорида кўрсатилган стандартлар бўйича ўқитиш.

DQS GmbHнинг ташкилотчилари ва акционерлари:
DIN — стандартлаштириш бўйича немис институти;
DGQ — сифат бўйича немис жамияти.
Манзил: Тошкент шаҳри, Пушкин кўчаси, 75-уй, 7-қават, «ИНКОНЕЛЬ» бизнес-маркази.
Тел./факс: 120-30-92, 120-30-91, 404-59-90.
E-mail: Alaudinov_D.dqs@mail.ru
http: //www.dqs.de

Компания мижозлари:
Daimler Chrysler AG, Siemens, Henkel, Lufthansa, Porsche, Barilla, Degussa, Kraft Foods, Commerzbank, KPMG, 3M, «UZEXIDE» ҚК, УКК «Муборакнефтегаз», «Hobas TAPO» ҚК ва бошқалар, 30 мингдан ортиқ сертификатлар.

Миллий ҳамда чет эл валютасидаги барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!

«ПАХТАБАНК» ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 1057. 20700 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ҳамда Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.20 Топширилди — 22.20 123456